



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 27 » август 2021-й.

№ 01-01/03-3832 « \_\_\_\_\_ »- \_\_\_\_\_ 2021-й.

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашига**

Сизнинг, 2021 йил 24 августдаги 5/2922-сонли хатингизда келтирилган, Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари Агентлиги томонидан йўлланган 2021 йил 23 августдаги 01-01/1-1348-сонли хатида қайд қилинган “Рақамли Авлод” лойиҳаси доирасида “Меҳрибонлик” уйлари босқичма-босқич камраб олиш ва уларда шу лойиҳа номи билан ахборот технологиялари бўйича замонавий касбларга йўналтирувчи синф хоналарни ташкил этиш юзасидан тузилаётган “Чора-тадбирлар дастури” лойиҳасига киритиш учун қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. “Меҳрибонлик” уйлари синф хоналарида “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси доирасида, махсус [uzbekcoders.uz](http://uzbekcoders.uz) сайти орқали тарбияланувчиларни рўйхатдан ўтказиб, дастурлашнинг 4 та йўналиши бўйича чуқур ўқитишни йўлга қўйиш.
2. Ахборот-коммуникация технологиялари, дастурлаш, 2D ва 3D дизайн, робототехника, рақамли медиа-маркетинг ва фрилансерлик курслари ҳамда компьютерларда фото ва видеомонтаж курсларини ўқитишда IT Парк ходимларини график асосида “Меҳрибонлик” уйларига жалб қилишни йўлга қўйиш.
3. “Рақамли Авлод” синф хоналарини 2-бандда келтирилган курслар бўйича дарсларни ўтиш жараёнида зарур бўладиган компьютер ва оргтехникалар, замонавий электрон доскалар, 3D принтерлар ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ушбу синфни юқори тезликли Интернет тармоғи орқали электрон таълим платформаларига улаш.

Вазир

Р.Реимов

Ижрочи: Р.Худайбергенов  
Тел: 93. 485-17-51

